# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 18-MAY, JUMA, 59 (7984) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Кузда қадалган ниҳоллар декабрь ойида ҳосилга кирди. Биринчи ҳосилни йиғиштириб олишгач, шу ернинг ўзига иккинчи бор помидор кўчатларини ўтқазишди. Иссиқхонани қуриш, қиш ойларида иситиш бирмунча қийинчилик туғдирди демаса, натижа яхши бўлди.



Тадбиркор кимга суянади? Албатта, банкка! Бундай дейишимизга асос бор. Президентимиз Фармон ва қарорлари ижроси натижасида банкларнинг капитали ортмоқда, депозитлар ҳажми кўпаймоқда, пировардида эса мижозларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт равнақига хизмат қилиш имконияти янада кенгаймоқда.



Ўзбекистон амалий санъати музейида қадимдан ҳозирги кунгача машҳур халқ усталари яратган асарлар ва миллий маданиятимизнинг ноёб дурдоналари – заргарлик, зардўзлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, кулолчилик каби юзлаб ҳунармандчилик ишлари намуналари, миллий матоларимиз, тасвирий санъат асарлари сақланади.


САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


## НАВОИЙ СПОРТ БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

### МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АНЪАНАВИЙ «УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2012» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ НАВОИЙ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАМЛАКАТ БОСҚИЧИ БОШЛАНИШИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ.

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолотига қаратилаётган юксак эътибор болалар спортини ривожлантириш борасидаги салмоқли ишларда яққол намоён бўлмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ҳам ўтган йиллар мобайнида минглаб ёш спортчилар, ўқувчилар учун чиниқиш, тажриба ва маҳорат мактабига айланди. Ушбу беллашувларда тобланган кўплаб ёшлар бугунги кунда халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Айни кунларда Навоий шаҳрида мусобақалар ўтказиладиган иншоотларда қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари якунланиб, улар беллашувларга шай ҳолатга келтирилди.

Жумладан, умумий майдони 14,8 гектардан иборат янги замонавий спорт мажмуаси қурилди. Ушбу нуфузли спорт байрамининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари айнан шу ерда ўтказилади. Мажмуа ўн мингдан ортиқ томошабинни ўз бағрига оладиган стадион ва 42х30 метрга тенг иккита спорт залига эга.

Мазкур спорт байрамига тайёргарлик доирасида вилоят кураш мактабининг ўқув-машғулот заллари ҳам қайта жиҳозланди. Унинг 432 ишқибозга мўлжалланган асосий залига махсус қопламалар ётқизилди. Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Сўғдиёна» спорт клубининг узунлиги 50, чуқурлиги 2,5-2,8 метрли саккизта сузиш йўлаги таъмирланди. Волейбол, футбол, қўл тўпи бўйича мусобақалар ўтказиладиган Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги академик лицейнинг спорт майдони, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Кимёгар» стадиони талаб даражасига келтирилди.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари Навоий давлат педагогика, кончилик институтлари, компьютер технологиялари, маданият ва санъат, индустриал-иқтисодиёт ва спорт коллежлари талабалари ётоқхоналарига, шунингдек, «Қизилқумцемент», «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятлари тасарруфидаги сиҳатгоҳлар, «Навоий» ва «Ёшлик» меҳмонхоналарига жойлаштирилади. Навоийдаги спорт шаҳарчаси ҳудудида янги 100 ўринли ётоқхона ва икки юз ўринли ошхона барпо этилди. Ётоқхоналар, мусобақалар ўтказиладиган барча иншоотларда спортчилар ва меҳмонлар учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди, жумладан, махсус жиҳозланган тиббиёт хоналари ташкил этилди.

Маданий-маърифий тадбирлар режасида "Умид ниҳоллари – 2012" мусобақалари қатнашчилари ва меҳмонларини вилоятдаги Сардоба, Қосим Шайх мажмуалари, Мирсаид Баҳром мақбараси ва бошқа тарихий ёдгорликлар билан таништириш ҳам кўзда тутилган. Улар Нуротага саёҳат қиладилар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишадилар.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи ҳамда оилавий бизнес имкониятларини кенгайтиришда соҳага қаратилаётган эътибор, берилаётган енгиллик ва имтиёзлар хусусида сўз юритилди.**

## ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ИМКОНИЯТЛАРИ

Унда таъкидланганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг етакчи кучига айланди. Хусусан, ўтган йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилди. Жорий йилда ҳам ушбу турдаги солиқ юки сезиларли даражада камайтирилиб, саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили яратилган янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

2012 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини эса қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан 480 мингдан зиёд, касаначилик ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Анжуманда жорий йилнинг 26 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунининг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам фикр юритилди. Мазкур қонунга кўра, оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги, юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланиши белгиланган. Бундай корхона иштирокчилари ҳамда унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловини тўлайди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оилавий корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинишдан олинган тушум бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинади. Оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини режали текшириш кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Тадбирда мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ юкини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришларда ўзига хос омил бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаоллигини ошириш, молиявий барқарорлигини юксалтириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббий саводхонликни ошириш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир.**

## «САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига йўналтирилган "Саломатлик поезди" бунинг ёрқин исботидир.

Тадбир доирасида малакали шифокорлар гуруҳи 17-23 май кунлари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари Тиббий ва ижтимоий патронаж бригада ходимлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Шунингдек, ногирон болалар, хотин-қизлар, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, махсус муассасалар, мактаб ва мактабгача таълим даргоҳларига мурувват ёрдамларини кўрсатиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

## МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

**Қашқадарёлик ғаллакорлар жорий йилда бир миллион тоннадан ортиқ дон етиштиришни ният қилишган. Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида яратилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан саранжомлаб олиш ғаллакорлар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги муҳим вазифалардан биридир.**

Шу боис, бу борада аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, мавжуд комбайнлар мавсумга тахт қилиб қўйилди. Ўрим-йиғимда иштирок этадиган механизмлар соз ҳолга келтирилди. 110 та ўрим-йиғим отрядлари ташкил этилиб, уларга малакали мутахассислар жалб этилди. Шунингдек, ҳар бир комбайнга икки нафардан ўқув амалиётини бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ўташ учун қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бириктирилди. Ҳар бир отрядга биттадан кўчма устахона хизмат кўрсатади. Улар етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар билан таъминланди.

Шу кеча-кундузги асосий вазифа ғалла майдонларини сўнгги марта бегона ўтлардан тозалаш, ўқариқларни кўмдириб, дала бошини комбайнлар бемалол, эркин ҳаракат қилиши учун тахт қилиш, шу билан бирга, ҳар бир отрядда ёнғин хавфсизлиги бўйича чора-тадбирларни ташкиллаштиришдан иборат.

Касби туманида ташкил этилган тактик ўқув машқининг очилиш қисмида шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Т.Худойберганов ва бошқалар ўрим-йиғимни намунали ўтказиш учун жойларда кўрилган ҳозирлик ҳақида атрофлича тўхталдилар.

Ўқув-тактик машқи иштирокчилари Касби туманида ўрим-йиғимда қатнашадиган отрядлар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Комбайнлар, уларга хизмат кўрсатадиган техникалар тайёргарлиги кўздан кечирилди. Шунингдек, дон-ни қабул масканларига етказиб берадиган техникалар кўриги ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир якунларига бағишланган йиғилишда барча жойларда ўрим-йиғим отрядлари кўригини ташкил этиш, отрядлар ишини янада такомиллаштириш, ишдаги баъзи бир камчиликларни тезда бартараф этиш бугуннинг долзарб вазифаси эканлиги қайд этилди.

Ўқув-тактик семинарда вилоят ҳокими Т.Жўраев иштирок этди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

## КОЛЛЕЖ-КОРХОНА-БИТИРУВЧИ

### ҲАМКОРЛИГИ ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТИР

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмасида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**



Унда таъкидланганидек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2011-2012 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасидаги касб-ҳунар коллежларини битираётган ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш ишини таъминлаш мақсадида мутахассисликлар бўйича корхоналар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида шартномалар тузилди. Чунончи, 27855 нафар битирувчи ишлаб чиқариш амалиёти ўтказиши учун 4610 та корхонага бириктирилди. Ҳар бир ўқувчига корхона ва коллежлардан амалиёт раҳбарлари бириктирилди. Уч томонлама "Коллеж-корхона-битирувчи" шартномаларини расмийлаштириш тўла амалга оширилди.

Жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 34 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Унда 1293 та корхона ва ташкилот ўзларида мавжуд 4679 та бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар. Ўтказилган ярмаркаларда 2561 нафар битирувчидан 720 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олишди.

Шу кунларда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи 402 нафар битирувчига имтиёзли кредитлар олиш, бизнес режалар тузиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхат асосида тижорат банклари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан семинарлар ташкил этилмоқда. Айни пайтда 7 нафар битирувчига 19 миллион сўм кредит берилди.

Мактаб битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга жалб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда режа-рўйхат асосида "Касблар фестивали", "Очиқ эшиклар куни" ўтказилмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ПИЛЛАЧИЛИК

Тошкент Вилояти



## МЕҲНАТ РАҒБАТИ САМАРАСИ

**Ўрта Чирчиқ тумани "Пилла" корхонасига 2012 йилнинг илк ҳосили топширилди. Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Мирзакаримов Тешабой ота» фермер хўжалиги пиллачилари томонидан топширилган ҳосил "кумуш тола" хирмонини бошлаб берди.**

— Хўжалигимиз аъзоси Ҳуриниса Рамазанова 3,5 қути ипак қурти парваришлаб, жами 210 килограмм пиллани юқори навларга топширди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Тешабой Мирзакаримов.

Фермер билан унинг далаларини айланамиз. 70 гектар пахта майдони сифатли яганадан чиқарилиб, культивация ишлари минерал ўғитлаш билан биргаликда олиб борилмоқда. Фермер хўжалигининг 60 гектар ғаллазорида парваришланаётган ғаллани кўриб, кўзингиз қувнайди. Хўжалик аъзолари бу йил ғалладан 55-60 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Дастлабки ҳосилнинг мўл бўлиши уларнинг шижоатини янада оширди.

**Толиб ҲАКИМОВ**

*Р.МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.*

